

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби

“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси

“Санъатшунослик” таълим йўналиши битирувчиси

Фазлиева Лайло Қамарбековнанинг

**“ЗАМОНАВИЙ САҲНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ РАҚСИ”
 (“АЙҚУЛАШ ЖУЛДУЗЛАРИ” АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

мавзуидаги

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар: с.ф.н.,
“Санъат назарияси ва тарихи”
кафедраси доценти
Т. Юлдашев

Тошкент - 2012

Мундарижа

Кириш.....	3
I-боб. “Қорақалпоқ ижро мактабининг келиб чиқиши ва ўзига хослиги (тарихга бир назар)”	8
II-боб. “Саҳнавий қорақалпоқ рақсининг замонавий кўриниши (“Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамблининг ижоди мисолида)”	23
Хулоса.....	45
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	48
Илова.....	51

Кириш

*Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ аجدодларимиз
томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган зоят улкан бебаҳо
маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига
кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.
Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашни
ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига
унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий,
табиий жараён деб ҳисоблаймиз.¹*

И.А.Каримов.

Ўзбекистон рақс мактаблари таркибига кирган ёки ҳали ўзига хос шаклда ривожланиб таснифланган доирага кирмаган рақслар XX аср бошларида анъанавий ва барпо этилган ҳолда шаклларда ижро этилиб келмоқда. Рақс санъати амалиётчилари, санъатшунос-олимлар томонидан улар “халқ рақси” ва “саҳнавий рақс” деб номланади. Саҳнавий рақсларни маданий меросдан халқ ижодиётидан, урф-одат, удумлардан ва санъатни бадиий услубларидан келиб чиқиб, машҳур балетмейстерлар саҳналаштирган. Албатта халқ рақси ва саҳнавий рақс ўзини жозибадорлигини эстетик аҳамиятини ва ранг-баранглигини йўқотмаган ҳолда бир-бирига таъсир кўрсатган ва ҳозирги кунда ўз сурати ва сийратига эга. Биламизки, уста Олим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Исохор Оқилов, Розия Каримова, Лизахоним Петросова ва бошқа рақс санъат арбобларини ижоди, ташкил этган ва яратган ансамблларнинг, улар тарбиялаб етиштирган шогирдлари фаолияти туфайли Ўзбекистон рақс санъати ўзининг турли саҳнавий бадиий шаклларида ривожланиб келмоқда.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари. Т., 1997, 137-б.

Мавзунинг долзарблиги. Халқ анъаналари ва қадриятларини тиклаш масалалари Ўзбекистонда ҳамиша кун тартибига қўйилиб келинган. Ватанимиз мустақилликка эришгач бу масала устувор тамоилга айланди. Қорақалпоғистоннинг барча вилоятларида ташкил топган ашула ва рақс ансамбллари сақланиб келинаётган кўплаб ўйинларни, маросимларни ва ўтмишда барпо этилиб саҳналаштирилган рақсларни тикладилар, янги шаклга киритдилар ва эстетик аҳамиятини оширдилар.

Ўз тарихига эга бўлган қорақалпоқ рақс санъати бетакрор жилolari билан Ўзбекистон томошавий санъатини энг ёрқин, ўзига хос намоёндаси сифатида ривожланиб келмоқда: замонавий қорақалпоқ рақсининг халқаро миқёсда Ўзбекистон санъатини тарғибот этишда бошқа рақс жамоалари ва яқка ижрочилар қатори “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамбли иштирокчиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Ансамбл аъзолари барпо этилган миллий рақсларга қайта умр бағишлаш билан бирга замонавий рақсларни ҳам яратиб ижро этмоқда. Аммо бу йўналишда ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжуд, албатта, ва уларни аниқлаб ёритиш, йиғиб, умумлаштириш ушбу диплом ишни мавзусини долзарблигини асослайди.

Мавзунинг ёритилиш даражаси. Умуман қорақалпоқ миллий рақси барпо этилиши ва ўзига хос миллий рақс санъатини намунавий, узвий қисми ҳақида энциклопедик, санъатшуносликка алоқадор манбалар мавжуд. Улар таркибида Ўзбекистонда санъатшунослик соҳасида рақсшуносликни биринчи бўлиб ривожлантирган санъатшунослик фанлари номзоди Л.А.Авдеевнинг монографияси², Е.А.Петросованинг (Лизахоним) китоби³ ва бошқа Қорақалпоғистонда нашр этилган манбалар бор. “Айқулаш жулдузлари” ансамблининг фаолияти бўйича 1976 йилда нашр этилган буклет⁴ ва талайгина илмий оммабоп нашр этилган мақолалар мавжуд. Уларни кўпчилиги қорақалпоқ тилида бўлиб илмий умумлаштирилмаган.

² Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001.

³ Петросова Е.А. Каракалпакский танец. Ташкент-1976.

⁴ Буклет. Каракалпакский ансамбль народного танца “Ай кулаш”.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида” ги фармони⁵ бундан ўн беш йил олдин (1997 йил) имзоланган бўлса-да, унда белгиланган мақсадлар бажариш учун кўрсатилган вазифалар амалга оширилди ва ижобий хосилини берди.

Аммо баъзиларда мужассам бўлган тadbирлар, кўрсатмалар кўп йиллар мобайнида амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, уларни биз рақсшунослик соҳаси ёш мутахассислари бажаришга киришамиз.

Фармонда айтиб ўтилгандек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш ва авайлаш, шу асосда янги бадий жамоалар тузиш мустақиллик маънавиятини ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш⁶ масаласи халигача долзарб бўлиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб ишнинг мавзуси аниқланди ва қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланди:

- “Қорақалпоқ мактаби” услублари доирасида шаклланган ва рақснинг пойдевори бўлган хореография пластик ҳаракатлар тизими “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамбли дастурларида ўзини ёрқин ифодасини топганлигини кўрсатиш;
- муштарак рақс усталари учун муҳим ижод манбаи сифатида хизмат қилишини илмий асослаб бериш;
- танланган мавзуга алоқадор мавжуд илмий ишлар ва мақолаларни ўрганиш ва таҳлил учун мезонлар белгилаш;
- қорақалпоқ рақс мактабини бадий услубларини Ўзбекистон хореографлари ҳамда қорақалпоқ хореографлари ва рақс усталари ижодида қўлланилганлигини аниқлаш ва ёритиш;

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги фармони 1997 йил 8-январ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил, №1, 26-28 бетлар.

- қорақалпоқ рақс мактаби намуналарини 3та анъанавий рақс мактабига қиёсан (рақс, либос, ритм, усул, мусиқа ўзига хос пластик ҳаракатларини) таҳлил қилиш ва ўзига хослигини кўрсатиш;

- қорақалпоқ рақс мактаби бадий услулари кўллаган балетмейстерларни ижодини имкон қадар номма-ном рўйхатга олиш ва таърифлаб бериш;

- қорақалпоқ рақс мактаби йўналишида ижод қилган рақс усталарини услубларини ўрганиб чиқиш, рақсларни ўзига хослигини кўрсатиш, рўйхатга олиш.

Диплом ишининг тузилиши, ушбу малакавий битирув иш –

Кириш, икки боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловадан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ёритилиши даражаси ҳақида баён этилади, мақсад ва вазифалари белгиланади.

“Қорақалпоқ анъанавий ижро мактабининг келиб чиқиши ва ўзига хослиги (тарихга бир назар)” деб номланувчи ишнинг биринчи бобида қорақалпоқ миллий рақс тарихи саҳифалари доирасида қорақалпоқ рақси услублари келиб чиқиши, ўзига хослиги, мусиқаси ҳақида сўз юритилади. Ушбу бобда қорақалпоқ рақс мактабининг бадий услубларини кўллаб ижод қилган машхур рақс усталари, намоёндалари, улардан мерос бўлиб келган режаларини ва улуғвор қорақалпоқ рақс мактабининг сурати ва сийрати, миллий рақс санъатидаги ўрни ва жозибаси ҳақида сўз юритилади.

Ишнинг иккинчи боби **“Саҳнавий қорақалпоқ рақсининг замонавий кўриниши (“Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамблини ижоди мисолида)”** деб номланган. Бу бобда “Айқулаш жулдузлари” ансамблининг яратилиши, унинг ижодкорлари, концерт дастуридаги саҳнавий қорақалпоқ рақси ўрганилиб, таҳлил этилади. “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамблининг асосий ва етакчи

қорақалпоқ эркаклар рақслари бошқа мамлакатлар эркаклар рақслари билан таққосланади.

Ансамблнинг рақс санъатидаги ўзига хос ўрни ва Ўзбекистон рақс санъатига қўшаётган ҳиссаси ҳақида, шу тарика унда бадиий услуби маҳорати ижролари билан танилган рақс усталари ҳақида баён этилади. Маданий меросимизни бу ансамбл асраб келаётганлиги ҳақида сўз юритади. Шу жумладан, унинг чет эллардаги ютуқлари ва ҳозирги кун муаммолари ҳақида ҳам айтиб ўтилади.

Хулосада I ва II боблардаги олиб борилган хулосавий тадқиқот натижалари умумлаштирилган ва баъзи таклифлар киритилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан сўнг баъзи мақолалар ксеронусхалари, санъатшунослар ва рақс бўйича машхур мутахассислар, рақс усталари раҳбарлари билан бўлган суҳбатлар матни, баъзи рақслар дақиқалари либослар фотосуратлари ўрин олган **илова** ишни яқунлайди.

I-БОБ

“Қорақалпоқ ижро мактабининг келиб чиқиши ва ўзига хослиги (тарихга бир назар)”

*Хар бир элнинг товушлар дунёси такрорланмас.
Қорақалпоқларни муסיқий коиноти – ўтов остонаси наридаги шамолни
ғувиллаши, қушлар куйлаши, Амударё тез сувларини шовқини ёки гулхан
қаршиисидаги секин суҳбати, жонни баҳорги зориқиши, от чоптириш
қизиқишларини – қандай пайдо бўлиши ва нима яратишини айтиш қийиндир.
Балки бу халқнинг турмуши, ҳаётий интилишлари, тартибини барчаси уни
муסיқий тилини бой, битмас нақилларини чизади.⁷*

О.Н.Азимова

Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибига кириб, Орол денгизининг жанубида жойлашган. Қарама-қарши қирғоғида эса Хоразм вилояти жойлашган. Қорақалпоғистон Қозоғистон ва Туркманистон билан чегарадош.

Республика ҳудудида азал-азалдан ўзбек-хоразмликлар, қозоқ, қирғиз, туркман миллати вакиллари яшаб келишига қарамасдан, қорақалпоқ халқи ўз тили, урф-одатларини сақлаб келган. Қорақалпоқ халқи табиатини Амударё табиати билан қиёслаш мумкин. Амударё бир қарашда сокин кўринса-да, тикилиб қараган инсон унинг майда сувидаги гўзаллик ва ўзига хос табиатини кўради. Уни кузатар эканмиз, куннинг ҳар бир вақтида дарё табиати ҳам ўзгаришини сезасиз. Сахарда сув нозик пушти рангда, қуёш тикка келганда сув сатхи камалак жилоларига бой, окшом дарё кулранг-кўк рангга кириб, кўпик билан ўралади. Амударё табиатида озодликка интилувчи, қатъий фаол ҳислатлар яширинган. Қорақалпоқ миллати табиати ҳам ушбу ҳислатларга бой, қорақалпоқ тили сокин туюлсада нутқда ғурурли ва юксакдир. Қорақалпоқларнинг меҳмондўстлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Хозиргача энг ҳурматли меҳмонни калла гўшти билан меҳмон қилиш урфи сақланиб қолган. Меҳмон калла гўштининг бир қисмини меҳмонларга

⁷ О.Н.Азимова, “Звуковой мир калакалпаков”, Ташкент-2008, 3-бет.

тўғри тақсимлаб бериши керак. Бунда аскиябозлик бошланади. Хар бир хазилга хозиржавоб бўлиш керак. Ўрганмаган одамга бу хазиллар қўполрок туюлиши мумкин, чунки ўтирганлар бир-бирига “сен”лаб мурожаат қиладилар. Лекин мулоқотнинг бу шакли инсонларни яқинлаштиради.

Милоддан аввалги II аср охири IV асрларда Орол бўйи чўлларига шарқдан хунармандлар, VI-VIII асрларда эса туркийлар келиб маҳаллий қабилалар билан қисман аралшиб кетган. Мана шу этник негизда Орол бўйи Илк ўрта аср халқлари бижаноклар ва уйғурларнинг шаклланиш жараёни кечган, уларнинг муҳотида VIII-X асрларда қорақалпоқларнинг ҳам шаклланиши бошланган. X-аср бошида бижаноклар Ғарбга, Жанубий рус чўлларига кетган. Киев русий худудига келиб, жойлашган қабилалар рус йилномаларида “черный клобуки” - “қорақалпоқлар” деб ном олган. Волга-Урал оролида қолган бижанокларнинг Шарқий қисми Иртиш хавзасидан келган қипчоқлар билан аста-секин аралшиб кетган, уларнинг тилини қабул қилган.

Албатта, қорақалпоқ халқини бадий ижодини шаклланиши уни этник тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихий манбаларга биноан қорақалпоқларни аجدодлари Орол бўйида милоддан аввал VII-V асрларда яшаган сак ва массагет қабилалар яратган.

VI-VIII асрларда Орол бўйига кўп турк қабилалари кўчиб кела бошлайди ва печенеглар жамоалари яратилади.

VIII-XI асрларда Моворауннахрда “қорақалпоқлар” деб номланган шарқ печенеглари халқ сифатида ўзлигига эга бўла бошлайди. XII-XIII асрларда қорақалпоқлар Амударё бўйида яшаб, жуда кенг бўлган Хоразм давлат худудига кирган. Мўғуллар босқинчи юришлари сабабли қарақлпоқлар Узбўй, Волга ва Урал бўйларига кетишга мажбур бўлган. XVII-XVIII асрларда қорақалпоқлар Сирдарё бўйида ўрнашдилар. XIX асрларда эса қорақалпоқлар Амударё қирғоқларига кўча бошлайдилар.

Тарих мобайнида қорақалпоқлар қипчоқ, оғуз, хоразмийликлар билан аралашиб борган.

Қорақалпоқлар чўпон ва балиқчи бўлиб, Орол денгизи соҳилларига XVI асрда кўчиб келганлар. Кўчманчи халқлар сингари уларнинг халқ рақси бўлмаган. Қорақалпоқлар ярим кўчманчи халқ бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланган, аммо XVI асрдан бошлаб дехқончилик, балиқ овчиликни ўргандилар.

1924 йили Қорақалпоқ автоном Республикаси ташкил топилди, 1936 йили эса у Ўзбекистон Республикаси таркибига киритилди.

Ҳар бир халқ ёки миллат ўз санъатини ривожлантириш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Миллат ўз санъатини ривожлантиришда барча санъат турларидан фойдаланиб, замонавий бир шаклга солар экан, унда инсониятнинг қалб гўзаллиги эътироф этилиши ва ифодаланмоғи муҳимдир. Шу ўринда қатор эътиборли жиҳатлар мавжуд-ки, улар дунё санъатларини ўрганиш билан бирга ўзининг миллий компонентларини алоҳида урғу берган ҳолда акс эттирмоғи зарур.

Санъатнинг барча турлари ижтимоий ҳаётнинг бадиий образларда ифодаланиши мевасидир. Айниқса бадиий ифодаси санъатнинг бошқа турларидан фарқли рақс алоҳида эътирофга ҳақли. Чунки унда инсон ички дунёси ўта назик ҳаракатлар ва ҳолатлар орқали ифодаланади-ки, томошабин фақат томошадангина эмас, балки ижродан ҳайратга тушади. Рақс санъати ўзига хос тил билан мулоқотга киришади. У бир миллат мулки бўлиш билан бирга айна пайтда бошқа миллат учун ҳеч бир таржимонсиз тушунарли ва албатта севимли бўлмоғи керак.

Рақс санъати кўп миллатларда бор бўлиши билан бирга, қадимий ибтидога дахлдордир. У инсоннинг ички маданиятини тарбиялашда ўзига хос тизимга эга. Бу санъат тури бошқаларидан фарқли ўлароқ миллий

кадриятларни намойиш этишда ўзига хос ёрқин ва ранг-баранглик ифодасига эга.

Рақс санъати инсониятнинг ибтидоий яшаш тарзи, турли маросимлари (кулфат ва кувончли воқеаларни ифодаловчи) ҳаракатларининг бирлаштируви жамланмоғидан дунёга келган ва бу узоқ тарихга бориб тақалади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, қорақалпоқ рақси ҳам ўзигагина хос бўлган ижтимоий муҳимлигини ифода эта оладиган бўлмоғи лозим. Шу билан бирга у майиший халқ санъатини бойитиб, уни ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Шу тақлидда яралган миллий хореография, келажакда балет рақс санъати ўзининг нақадар муҳимлигини ва аҳамиятини ифодалайди.

Бундан кўринадики, рақс санъатининг муаммоси у қайси миллатга мансуб эканлигида эмас, уни шу миллатга муносиб кўрсатиш учун чуқур ўрганилган тарих ва унга асосланган ҳаракатлар жамланмаси бўлмоғи керак.

Рақс санъати барча халқларда ҳам бир хилда ривожланган эмас. Бир халқда рақс чуқур тарихни мужассамлашуви ва замонавий талқинлар билан бойитилган бўлса, бошқасида қайсидир тарихнинг ривожланаётган босқичида тўхтаб, ижтимоий ҳаётнинг босқичларида тўхтаб қолган ва мутлоқ йўқолиб кетган. Учинчиси эса умуман ривожланмади, майиший ҳаётдан узилиб қолган.

Маълумки, Ўрта Осиё қабилалари халқ ва миллатларга ўрта асрларда ажраган. Албатта рақс санъати ҳам ўша даврдан ўзига хослик ва миллий фарқланишларни акс эттира бошлаган.

Қорақалпоқ рақсининг шаклланиши тарихи икки қисмга, яъни миллий ва характерли рақсга ажралади.

1939 йили Нукус шаҳрига таниқли раққос, характерли рақсларни моҳир сахналаштирувчиси Али Ардобус Ибрагимовнинг келиши билан боғланади.

Унинг биринчи сахналаштирган рақси Қорақалпоқ халқ ўйини **“Айқулаш”** деб номланган. У шу халқ ўйинини сахналаштирар экан, ички бир ҳиссиёт айнан шу ўйин томошабин қалбида жўшқин ҳиссиёт ва ички тугённи жўмбушга келтиришига ишонди.

Бироқ шунга қарамай бу постановка у қадар мувоффақият қозонмади. Албатта бунда қатор сабаблар мавжуд эди. Биринчидан, рақсда қорақалпоқ миллий ўйини асос бўлган бўлса-да, унда миллий характер етишмасди. Иккинчидан, бу рақсда шу миллатга хос пластика топилмаганди. Барчасига сабаб эса постановкада Уйғур миллати рақс ҳаракатлари ва бир қатор Европага мос мумтоз ҳаракатларнинг аралаштирилганлигида бўлди. Шу жиҳатлари сабаб қорақалпоқ миллатининг қалбини ларзага сола олмади, тез кунда мувоффақиятсизликка учради ва унутилди.

Шунга қарамай, Али Ардобус Ибрагимов яна икки техник мураккаб рақсларни сахналаштирди. Булар - йигитлар билан таёқлар ёрдамида **“Белудлар рақси”** ва **“Хоразмча”** оммавий рақслар эди. Албатта бу рақслар аввалгисидан фарқли ўта катта маҳорат билан сахналаштирилган эди. Кейинчалик **“Белудлар рақси”** Ўзбекистон филармонияси раққослари томонида юксак маҳорат билан ижро этилди.

1940 йилда бўлиб ўтган “Жисмоний тарбиячилар” намоёишининг ёпилишга бағишланган бадий қисмининг финалида “Хоразмча” рақс катта олқиш билан намоёиш этилди.

Рақс санъати шу қадар чексиз қудратга эгаки, у инсоннинг ҳиссиётларини беихтиёр жўмбушга келтиради. Қайсики инсоннинг қалбидаги энг мусаффо ҳиссиётларини ҳаракатига сабаб бўлади.

Қорақалпоқ рақсларида биз халқ удумлари ва халқ ўйинларини ифодали пластик ҳаракатларда кўришимиз мумкин. Улар шу қадар ранг-барангки, қорақалпоқ синтетик санъатлари ичида рақс санъати фольклорнинг

ўта муҳим компоненти сифатида ёрқин ифодаси бўлиб хизмат қилади. Қорақалпоқ сценарийларида, қайсики оилавий тантаналарда, халқ ўйинларида мантикий ўрин эгаллайди.

Анъанавий қорақалпоқ удумларида унча катта бўлмаган рақс кўринишлари аниқ ва мантикий ёндошувларини аниқ кузатиш мумкин.

Кенг тарқалган халқ ўйинларидан бири бу **“Тортишмоқ”** бўлиб, икки гуруҳга бўлинган йигитларнинг ўртада арқон тортишувидир. Ўз ўрнида бу кенг тарқалган бўлиб, бошқа миллат ўйинларида ҳам кузатиш мумкин. Лекин бошқаларидан фарқли қорақалпоқ халқида овуллар ёки маҳаллалар ўртасида ўтказилади. Яна бир жиҳати уларда ўзига хос қийқирик ритмларда ифодаланади. Албатта ким кучли бўлса - шу ғолиб.

1944-45 йилларда машҳур ўзбек балетмейстери Али Ардобус Ибрагимов бир қатор қорақалпоқ сахна рақсларини яратди. Бу рақслар ҳаваскор жамоалар репертуарига киритилди, улар қорақалпоқ сахна рақсларини яратди. Лекин улар қорақалпоқ халқ рақслари сифатида тан олинмади.

Қорақалпоқ халқ рақсининг сахна билан боғлиқ ҳаёти Петросова Елизавета Артёмовна – Лизахоним номи билан чамбарчас боғлиқ. У ўзбек рақси дарғаларидан бўлган Тамарахонимнинг синглиси.

1951 йил Е.А.Петросовага қорақалпоқ рақсини сахналаштиришни таклиф этдилар. Рақс асосига қандайдир маросим кўйилиши лозим эди. Маслаҳатларга кўра тўй ўтказиш маросими танланди ва Нукус ва унга яқин қишлоқларда бўлиб **“Тўй”** номли рақс пантомималари композициясини сахналаштирди. Ажибхолки бой маданиятга эга бўлган халқ рақсга тушмас эди. Аммо байрамлар, халқ ўйинлари, йиғинлар маъноли ҳаракатларга бой эди. Халқ рақсини яратиш Е.А.Петросовани жуда қизиқтиргани сабабли у халқнинг пластикасини ўргана бошлади. Бунинг учун қорақалпоқ тилини, унинг турмуш тарзини чуқур ўрганиш лозим эди. Барча байрамлар

қорақалпоқ халқида аёл ва эркеклар билан биргаликда ўтказилган. Қорақалпоқ аёллари ҳеч қачон паранжи киймаганлар. Узоқ тарихда аёллар “жегде” ва “киймешек” каби бош кийимлар кийганлар.

Йиғинларда қизларни “женге” (янга) йигитларни “жигит аға” (тоға) бошқарган. Қизлар женгелар бошчилигида майда қадам ташлаб, йигитлардан бир неча қадам узоқликда тўхтайдилар ва пиёла ушлаган қиз кўзларини ерга қаратиб йигитга чой узатади, чойни ичиб йигит пиёлага қанд ёки бирон-бир ширинлик солиб, қизга қайтаради. Лекин йигитнинг қўлидан пиёлани олиш чакқонликни талаб қилади. Чунки йигит пиёлани ташлаб юбориб, сўнг илиб олиши мумкин. Қиз ўзини йўқотмай пиёлани тутиб олиши керак. Бу билан у ўз обрўсини сақлаб қолади, сўнгга қизлар женге бошчилигида ғурур ва ибоб билан жойларига қайтадилар. Жавоб тариқасида йигитлар ширинликни олиб бориб жангегга тақдим этадилар. Кейин йигит ва қизлар орасида қорақалпоқча “айтыс” деб номланувчи айтишув бошланади. Ким ҳозир жавоб бўлса, шу томон айтишувда ғолиб бўлади. Кеча якунида қизлардан бири танлаган йигитига “чай калта” (чойнак устига тикилган ғилоф) танлаган ёрига ҳурмат ишонч белгиси сифатида ташлаб кетади. Йигит уни унаштирув куни қизга қайтаради ва бу унинг муҳаббати рамзини билдиради.

Рақс санъат тури сифатида энг қадимий ҳисобланиб диний маросим пантомима ҳаракатларидан келиб чиққан. Чорвадорлар, деҳқонлар, овчилар меҳнатини акс эттирувчи ҳаракат усулларини табиат ходисаларини парранда ва ҳайвонлар одатларини ўрганиш, қадимги қорақалпоқ халқи ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган.

Тарихнинг баъзи босқичларида бадий умумлаштириб санъатни турли жанрларида ифода этиш ҳаётнинг айрим шароитларида бу ҳатти-ҳаракатлар рақс шаклида намоён бўлган. Лекин томошавий жонли санъат тури бўлмиш рақс халқ ижодиёти шаклида XX аср ўрталаригача етиб келмаган. Қорақалпоқ халқида ҳис-туйғу ва кайфиятни мимика орқали ифода этиш юқори даражада бўлиб, кўчирмагап, диалог, афсонавий ҳикоя ва шеър

асарларни мазмунини муסיқали вокал образ ашулалар орқали етказиш маҳорати ривожланган.

Энг асосий ишларни Лиза Петросова 1956 йили Қорақалпоғистонга кўчиб келгандан сўнг бошлади. У хунармандлар, овчи балиқчилар ичида яшаб, қорақалпоқ рақсларини саҳналаштирди. Доим отда юрган аёллар кадамлари ҳам ўзига хос бўлиб, тебранишни эслатади. Қадамларни босиш танага енгил тебраниш беради. Диагонал бўйича кадам босиш асосий ҳолатни яратади. Чавандоз чўпонлар қадами ҳам енгил тебраниб ташланган. Балиқчиларнинг майин кадамлари янгича рақс кадамларини туғдирди. Рақс ўнг оёғини олдинги тавони билан ташлаб, чап оёғининг бармоқларида туриб, ҳаракатни шу тариқа давом эттирган. Лиза Петросова қорақалпоқларнинг ҳаракатларини кузатиб, уларнинг ҳаракати ҳоразмча ҳаракатларга ўхшаш эканлигини ҳис этган. Аёлларнинг кафт ҳаракатлари ҳам ҳоразмча ҳаракатларга жуда яқин. Лекин пастдан тепага қўл ҳаракатларининг ҳаракат ўртасида қисқа пастга ташланиши ҳам ўзига хослигини туғдирган.

“Пастга ташланган кафт” ҳолати ўзига хос оққуш кўринишини беради. Олдинга қаратилган кўрсаткич бармоқ қуш бошини эслатади. Агар қўл пастга туширилиб, кафтлар ўткир бурчак остида кўтарилса, кўрсаткич бармоқ ва кафтнинг юмшоқлиги Амударё устида учиб юрган чағалай қушни англатади. Е.Петросова тарихий лавҳалар асосида рақс кўйишни ўзига мақсад қилиб кўйди. Шу тариқа “Кашма”, “Балиқчилар”, “Чўпонлар” ва “Амударё” рақслари вужудга келди.

1957 йил Е.Петросова томонидан тузилган қорақалпоқ рақс ва ашула ансамбли ўз санъатининг фестивалида намоиш этиб, юқори баҳога сазовор бўлди. “Балиқчилар”, “Кошма” рақсларининг халқ орасида кенг тарқалиши Е.Петросованинг рақс кўйиш услублари тўғри эканлигидан далолат беради. Бу рақслар тўйлар, йиғинлар ва турли маросимларда халқ томонидан ижро этиб келинмоқда.

Қорақалпоқ рақс мактабининг Е.Петросова томонидан белгиланган **асосий ҳолатлари** куйидагичадир⁸:

Қорақалпоқ рақслари учун **гавданинг** ортиқча зўриқтиришсиз тик ушлаб туриш муҳимдир. Бунда бошни тик ушлаш, елкаларни эркин тутиш, кўлдаги мавжуд ҳолатларини енгил ҳаракатлантириш керак. Шу билан бирга ортиқча куч сарфламасдан, барча захира кучни оёқларга йўналтириш лозим. Қорақалпоқ рақс санъатида **оёқ** ҳолатлари ўзига хос турфа ҳаракатланиши билан бирга, гавданинг енгил бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишида алоҳида кучни оёққа тақсимлашга эътибор қилиш кераклигини талаб этади. Оёқнинг хоҳлаган бир шароитдаги жойлашиш ҳолатидан қатий назар, у

а) оёқ кафтининг тўла босилиши;

б) бармоқ учида;

в) эркин ҳолатда;

г) тизза ярим букилган;

д) ярим қайрилгин мужассамлашиб, оёқ ҳаракатлари гавда юкини ё бармоқ учига ёки тавонга тақсимлаган бўлмоғи керак.

1956-1959 йиллар Петросова Елизавета Артёмовна қатор оммавий рақсларни сахналаштирди. Булар халқ удумлари, меҳнатни улуғловчи рақслар эди. Уларнинг биринчи ижрочилари “Бердақ” номидаги Давлат филармонияси артистлари эди. Е.Петросова яратган рақсларини қорақалпоқ маданияти ва санъати арбоблари, қорақалпоқ аҳолиси яхши қабул қилди ва профессионал қорақалпоқ ашула ансамллари фольклор этнографик жамоалар репертуаридан жой олди.

Қорақалпоқ сахна рақсини 1959 йилнинг қишигача бўлган жуда қисқа вақт ичида барпо этишга ҳаракат қилинди.

⁸Петросова Е.А. Каракалпакский танец. Ташкент-1976, 24-63 бетлар.

Е.Петросова 1961 йили Х.Х.Ниёзий номидаги санъат билимларини илмий текшириш институтига икки йил мобайнида йиғилган малакавий материалларни таҳлил қилиш учун келади. Ўзининг методик ишланмалари асосида у биринчи тадқиқотларини тасвирга олиш гуруҳи ёрдамида биринчи Қорақалпоқ рақслари гулдастасини яратди.

Е.Петросова рақс санъатининг ҳаракатлари орқали қорақалпоқ халқи, унинг фольклори, эркак ва аёл ўртасидаги маиший ҳаётни шу қадар маҳорат билан ифодаладики, таҳсин айтмай иложи йўқ. Шунини айтиш лозимки, буларни ифода этиш учун фольклор унинг яралиш тарихи, ўзига хослиги ва бир қатор жиҳатларини ўта зийраклик билан ўрганди. Улар балетмейстерга бу қадар илҳом бердики, ўрганиш ва ривожлантириш баробарида муаллифлик ваколатини эгаллади.

Қорақалпоқ миллатининг қадриятлари ўтов, аёлларнинг миллий либоси, албатта авлоддан-авлодга ўтиб келаётган уй жиҳозларида, меҳнат қуроллари ва ов жиҳозларида ўз аксини ифодалайди. Бундан ташқари халқ амалий санъатининг қатор кўринишлари мавжудки, улар Е.Петросованинг қорақалпоқ рақсини саҳналаштиришдаги ҳаракатлардан фойдаланишда ва ифодалашда ўз таъсирини кўрсатади.

Е.Петросова инсон меҳнати ва табиат ҳаётига бағишланган, ҳаётга яқин ва тушунарли бўлган мавзуларни қорақалпоқ халқ ижодиётидан урф-одатларидан, мусиқий санъатидан олган ҳолда рақс яратган. Табиатнинг ўзига хослигини кўриш ва тушуниш, меҳнат жараёнидаги усулларни ўзига хослигини тушуниш мақсадида Е.Петросова қорақалпоқ ҳудудидаги узок туманларга борган “артель”ларда “набат”⁹ тўқиш ишларини кузатган, Амударё ва Орол денгизи бўйидаги балиқчилар билан суҳбат қурган. Мўйноқ ярим оролидаги қишлоқ хўжаликларининг бирида “набат” тўқишни ўрганган қайиқда денгизга чиққан, соатлаб балиқчиларнинг ашула ва ҳикояларини

⁹ Қадимдан тўқилган гилам.

тинглаган, турли хил қадимги ўйинларда иштирок этган мато “намат” ва гиламлардаги ўзига хос расмлар графикасини ўрганиб чиққан. Бундан ташқари Е.Петросова жаҳон миқёсида донғи кетган Қорақалпоқ Миллий санъат музейини ўта ноёб амалий-безак санъат намуналарини кўриб илҳомланди ва ишга киришди.

Е.Петросова қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли учун саҳналаштирган рақслари инсон ҳаётининг гўзаллигини, замонавийлигини кўрсатди. Рақснинг замонавийлиги узлуксиз меҳнат жараёнини бевосита акс эттиришда эмас, балки, озошликни тантана билан мадҳ этаётган инсон кайфиятидан руҳланган ҳолда аниқ акс эттиришдан иборат.

Қорақалпоқ рақслари шаклларининг асосий уч гуруҳи мавжуд. Булар қўл, оёқ ва гавда (тана) ҳаракати. Бу ҳаракатлар ўзбек рақслардаги каби бош, яъни бўйин умуртқаси ҳаракати, елка ва билак ҳаракатлари билан безатилган.

Қорақалпоқ рақси бу - оёқларнинг нозик енгил титраган гавда ҳаракатлари. Бундан ташқари қорақалпоқ рақси бу мураккаб орнаментлар билан безатилган қўлни жозибаси ҳаракатлари бош ва елканинг қоқиш ноодатий ҳаракатларидан иборат бутун гавда рақсидир. Бугунда қорақалпоқ саҳна рақслари жаҳоннинг миллий рақслар қаторида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ўзига хос маданият, санъат ва 1951- йилгача Қорақалпоғистонда халқ рақси ўзининг шаклланган сурати ва сийрати ҳолатида етиб келмаган бўлсада, лекин қорақалпоқлар бой маданиятга, оғзаки халқ ижодиёти дурдоналарига сон-саноқсиз миллий анъанавий ашула ва маҳаллий куйга эга бўлганлар. Байрам маросимлари, тўйларда ва хаттоки, кундалик ҳаёт ўтиш жараёнида учрайдиган ҳаракатлар, масалан кўчада танишларни учратиб қолиш, меҳмон кутиш ва бошқа урф-одатлар билан боғлиқ маросимларда ёшлар оқшомларида ижро этиладиган ашула ва рақс ўйинлар ва маъноли имо-ишоралар, ҳолатлар, қадам ташлашларга қўл панжаси ҳаракатларига жуда

бой бўлган. Табиатни кузатадиган бўлсак, унда яширинган бир қатор образларни кўришимиз ва эшитимиз мумкин. Масалан, чағалаклар парвози, окқуш гардани, чўл кемаси, туянинг сокин қадами эски шохлари, мушукнинг нозик қадами, югираётган кийик, от чопиши ва хаттоки қурбақа сакрашини пластик кўринишлари ва овозлари қорақалпоқ рақсларини яратишда амалий санъат асарларидан яқиндан таниш бўлганлик катта роль ўйнайди. Қорақалпоғистонда ўзига хос гўзаликка эга бўлган заргарлик буюмлари кумуш қизил маржон ва сердошкалардан ясалган зеб-зийнатлар мавжуд бўлган. Елкадан камзул четигача тугилиб турувчи узун ва қалин мовут тасмадан тикилган бош кийими "сеупеле" кўкрак тақинчоқлари - "хэйкел"(зебигардон мисолида), "жузик" (узук), "билезик" (билакузук), "сырға" (зирак), "онирмуншак" (ингичка нозик занжир ва думалок кўнғироқчалардан иборат) ўзига хос гўзалликни яратади. Қўл ҳаракатларининг кўпчилиги айрим шакллар ва рақс чизиқлари кашта орнаментларидан олинган¹⁰.

Қорақалпоқ рақс санъати халқ ҳаётига мустақил сингиб кетганлигини кўрар эканмиз, асрлар давомида бу ҳаёт мусиқаси, саҳродаги сувсиз ўсимлик мисоли рақсиз мавжуд бўлганига ишонишимиз қийин. Ҳозирда эса бу мусиқалар рақс саҳналаштирувчиларини руҳлантириб келмоқда. Рақс қорақалпоқ хореографияси санъати ва ашула рақс, лапарлар кенгайтириш жанрининг асоси ҳисобланади.

Қорақалпоқ рақсларини яратишда фольклор ижод билан бир қаторда муаллифлик ижоди ҳам катта роль ўйнайди. Шоирлар ва ёзувчилар ёрдамида кўшиқ ва шеърлардан сюжетлар олинган ва улар асосида рақслар яратилган. Қорақалпоқ халқ санъатига негиз бўлиб бой ижод хазинаси ҳизмат қилди. Бу эса ўз навбатида санъат оламида қорақалпоқ халқининг руҳиятини ўзида акс эттириб, тобора ривожланувчи қорақалпоқ рақси пайдо бўлишига асос бўлди.

¹⁰ Иловада 1,2,3,4- расмларда.

Қорақалпоқ халқининг рақсларидаги ўзига хос миллий маданий жиҳатларга эга мерослари ва бой урф-одатларига эгаллиги билан бошқа халқларнинг рақсларидан ажралиб туришини айтиб ўтишимиз лозим. Сабаби қорақалпоқ миллий рақсларини 3 даврга бўлиб, уларнинг бой тўпламларидан яралган рақс сирларини ўзига жам қилган ҳолда қорақалпоқ рақс дарслигини тайерлашда катта ҳисса қўшади.

“Масалан, биринчи даврдаги қорақалпоқ сахна рақсларида бошқа халқлар рақсларидек импровизация усулларидаги характерлар фойдаланилмайди,” – дейди атоқли ўзбек балетмейстери Али Ардобус Ибрагимов. Ўз меҳнати йўлида бу халқнинг тўғри сўзлиги, уларнинг рақсларидаги элементларда, тана ҳаракатларида, сўзсиз ифода этиш белгиларида ўз-ўзидан қандай фикрни билдирмоқчилигини ҳар бири кўзга ташланиб туради.

Иккинчи давр ўзбек хореографиясининг буюк устозларидан бири Е.Петросованинг қисқа муддат ичида қорақалпоқ халқининг дастурлари, урф-одадлари халқнинг руҳий жиҳатларини, маданий ривожланиш даражасини чуқур ўрганиш ва уларни бошқа халқлардан ажратиб турувчи белгиларини адаштирмаслигимиз лозим.

Қорақалпоқ халқининг рақс санъати томошабинини фақатгина ўзига хос пластикаси, кўркемлиги, жозибаси ва албатта мафтункорлиги билан ўзига жалб қилади.

Афсонавий “Баҳор” давлат ансамбили томонидан ижро этилган “Илме Султон” қорақалпоқ рақси хориж томошабинларининг давомли олқишларига сабаб бўлди. Хоразм “Лазги” ансамбли ижросидаги маросим рақс турига мансуб “Пошшои кўйлагим” қорақалпоқ келин либосининг турфа кўринишига бағишланган бўлиб, у ҳам қорақалпоқ халқ репертуари намунаси сифатида хали ҳамон томошабинни ҳаяжонга солиб келмоқда.

XX асрда Қорақалпоғистон санъати янги тур ва ижодий шакллари билан такомиллашади. Бу ерда драматик театр, академик тасвирий санъат ва хайкалтарошлик, бадий адабиётни бошқа жанрлари, симфоник мусиқа, кинематография- замонавий универсал маданиятни бутун комплекси барпо этилади.

Анъаналарни эъзозлаб сақлаб келган ва шу билан бирга янгиликларга ўта сезгир бўлган Қорақалпоғистон санъат арбоблари кеча ва бугун узоқ чет элларда танилган ўзига хос бадий асарлар яратган ва яратмоқда.

Мустақиллик эълон қилиниши Қорақалпоғистон бадий маданиятини ривожланиши учун кудратли рағбатлантирувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий кучга айланади. Анъанавий санъатни мактаблари тиклана бошлади, санъатни жанр ва тур жиҳатдан доираси кенгайди - кўғирчоқ театри барпо этилди, илк бор опера ва балет спектакллари яратилди ва намоёниш этилди. Халқ рақси санъати янада ривожланди, театрлаштирилган томошалар санъати режиссураси шаклланди, ёш кино режиссёрлар фильмларида новаторлик экспериментал хусусиятлар синтези намоён бўлди. Бундан ташқари мунтазам ўтказиб келинаётган Қорақалпоғистон санъатини кўрик фестивалларида перспектив ижодий йўналишлар, янги номлар аниқланмоқда. Маданиятни таъсир доираси кенгайиши янги бадий академик ва мусиқий коллежлар очилишида яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда Давлат санъати институтини филиали Нукус шаҳрида очилиши Қорақалпоғистон маданий ҳаётида якуний аҳамиятга эга бўлган воқеалардан бирига айланди.

Шундай қилиб, бу жамиятимизни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида содир бўлаётган жараёнларни илмий умумлаштириш муаммоси долзарб масалага айланди. Айниқса бу йил 5-6 май кунлари Қорақалпоғистондаги икки тарихий қадамжо-машхур “Савицкий” номидаги санъат музейи ва Эллиққалъа туманида жойлашган Тупроққалъа ёдгорлиги доираларида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда

ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхоналари томонидан “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали ўтказилиши ушбу долзарб масалани ечишга қаратилиб, бизни ҳам “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамблини ижодий фаолиятини чуқурроқ ўрганишга чорлади.

II-боб.

Сахнавий қорақалпоқ рақсининг замонавий кўриниши (“Айқулаш жұлдузлари” ашула ва рақс ансамблининг ижоди мисолида)

Қорақалпоқ халқининг узоқ ўтмиши ва бугунги турмуш тарзи рақсларга сингдирилган бўлиб, унда миллийлигимизга хос урф-одатлар ифори барқ уриб, кишига хуш кайфият улашади. “Парвоз”, “Гидамда сакраш” каби турфа хил ҳаракатлардан иборат бўлган “Ўйланиш”, “Олти қиз” рақслари сиз-у-бизни ажойиботлар дунёси томон етаклайди. “Сэвган ер” кўшиғига ўйналадиган рақс эса бошқалардан фарқ қилади. Унда йигитлар асосан чапак чалиш ва қулоч ёйиш ҳаракатларидан фойдаланилган ҳолда рақс амалларини гиламда бажаришади. Улар айлана бўлиб ўтиришади-да, ўртага ёйилган гиламнинг устидаги йигитни осмонга отишади. У эса осмондаги ойни қучишга ҳаракат қилади. Бахтдан энтиккан қорақалпоқ йигитларининг гиламда ойни қучмоқ орзусидаги ана шу рақси билан ҳамоҳангликда тузилган.

Қорақалпоқ рақс санъатининг миллий илдизлари узоқ асрлар, қадим замонлардан ривож топган ва халқни бой, ранг-баранг ижодиёти билан боғлаган. “Қирқ қиз”, “Алпомиш”, “Шарияр” ва бошқа шулар каби ўлмас оғзаки шеърый асарларда халқни маънавий сиймоси, унинг эркин ва бахтли ҳаёт ҳақидаги орзулари, она ерга бўлган чексиз муҳаббати, чин ватанпарварлик, золимликка қарши нафрат ўз ифодасини топган. Шу билан бирга бу қадимий ўтмишни маданий обидалари биз учун қорақалпоқ маросимлари ва ўйинлари ва урф-одатлари, маданияти ва санъати ҳақида қимматли маълумот беради.

Қайда яшамасин қорақалпоқлар – Волга дарёси ва Жайқум орасидами, Зарафшон ва Фарғона водийсидами, Орал, Сирдарё ва Амударё қирғоқларидами ёки бошқа жойдами, халқ оғир шароитларга қарамасдан ижод қилиб маънавий бойликлар яратган. Агарда зиёли санъатшунослар, машҳур санъаткорлар улкан ҳиссаси бўлмаганда бу ижодий куртаклари театр, хореография санъати профессионал даражада ўсиб-униб етиб бормасди.

1956 йилда яратилган “Айқулаш” ашула ва рақс ансамбли қорақалпоқ хореография санъатини илк бор қалдирғочи (тўнғичи) ҳисобланади. Тўғри, бу ансамблдан олдин бир неча ансамбллар яратишга ҳаракат бўлди, лекин уларни (Ардобус ҳаракатлари) халқ унча яхши қабул қилмади. Янги барпо этилган “Айқулаш” ансамблининг биринчи бадиий раҳбари Ўзбекистон халқ артисти Е.А.Петросова ижодий жамоа учун репертуар тузиш жараёнида қорақалпоқ халқи асрлар мобайнида яратган маънавий бойликни фаоллик билан фойдаланади. Мисол учун “Қорақалпоқ тўй рақси”, “Айқулаш” ва бошқа оммавий рақсларни келтириш мумкин. Шу жумладан қорақалпоқ халқини бахтли этувчи мазмунли хореографик сиймолар (лавҳалар) яратди.

Биринчи жиддий ижодий синовдан ансамбл 1957 йилда Тошкентда Қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадаси жараёнида ўтган. Ўзбекистон пойтахти аҳолиси “Айқулаш” ашула ва рақс ансамбли қатнашчиларини қизғин олқишлашди.

Шу йилни август ойида ёш ансамбл илк бор Москва шаҳрига бориб- VI ёшлар ва талабалар Жаҳон фестивалида қатнашиб кумуш медални қўлга киритдилар.

Мана 1956 йилдан ашула ва рақс ансамбли “Айқулаш”, 1972 “Айқулаш” Бердақ номидаги Давлат филармониясининг таркибидаги “Қорақалпоқ кўшиқ ва рақс ансамбли” деган ном билан, кейинчалик 2003

йилдан “Айқулаш жулдузлари” номи билан ансамбл жуда кўп шаҳарлар, турли давлатларга ижодий сафарга бориб Ўзбекистон Республикасини ранг-баранг рақс санъатини тарғибот этиб келмоқда. “Айқулаш” ашула ва рақс ансамбли 56 йил мобайнида нафақат Ўзбекистонда, Марказий Осиё, МДХ давлатларида, балки бутун жаҳон миқёсида машҳур ансамблга айланди. Ансамбл борган давлатлар, шаҳарлар таркибида Москва, Уфа, Қозон, Кишинёв, Одесса, Ялта, Симферополь, Сочи, Баку, Олма-ота, Бишкек, Душанба, Ашхабад ва бошқа 400 дан ортиқ шаҳарлар.

Халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Тамарахоним томонидан яратилган “Бухора рақси”, халқ артисти Давлат мукофоти совриндори Мукаррама Турғунбоева томонидан сахналаштирилган “Фарғонача”, “Хоразмча” каби ўзбек меросий рақслари қорақалпоқ “Айқулаш жулдузлари” ансамблини асл, қимматли беағи сифатида ҳисобланади.

“Айқулаш жулдузлари” қорақалпоқ миллий рақс ансамблини дастурлари турли халқлар рақслари билан бойитилишида Қорақалпоқ халқ артисти А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг доценти Иван Мотвеевич Проценконинг хизматлари катта. Унинг оммавий ҳисобланган “Русская пляска”, бошқирт эркаклар рақси “Косари”, “Полковьянка” деб номланган белорус ҳазилакам рақс сурати, оташин, темпераментли “Молдовян сюита”си, оммавий венгер рақси “Пантазау” ва бошқалар нафақат қорақалпоқ рақс санъати муҳлисларига, балки қаерга ансамбл ижодий сафарга бормасин – ҳамма ерда эстетик завқ ўйғотган. И.М.Проценко сахналаштирган Б.Асафьевни " Париж алангаси" балет парчаси доимий муваффақият қозониб келмоқда.

50 йилдан ошиқ давр мобайнида ансамбл таркибида балет ва вокални ажойиб солистлари вояга етдилар. Улар орасида – Ўзбекистон халқ артисти, Қорақалпоғистон халқ артисти ва Ҳамза номидаги Республика мукофоти

совриндори Гульпаршин Срымбетова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти ва Ҳамза номидаги Республика мукофоти совриндори Байрам Матчанов, Қорақалпоғистон халқ артисти Ҳамза номидаги Республика мукофоти совриндори Отажон Худойшукуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тамара Дошумова, балет солистлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти ва Ҳамза номидаги Республика мукофоти совриндори Байрамгельди Муродов, Ўзбекистон халқ артисти, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, Бердақ номидаги Республика мукофоти совриндори Зулайхо Сапарова, Қорақалпоғистон халқ артисти Уразгул Алламбергенова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар – Орынбай Балтибаев, Полат Надырбаев, Оринбике Мурадова, Амина Назарова ва бошқалар.

“Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамбли 56 йил мобайнида катта ижодий ва шонли йўлни босиб ўтди. Ансамблни бадиий раҳбарларини янги ифодавий воситаларни, турли мавзуларни топиш бўйича, дастурларда миллийлик ва байналминалликни уйғунлигини уддалаб таъминлаш бўйича, балет ва вокал солистларини профессионал маҳоратини доимий ошириш йўналишида мунтазам равишда ўтказган ҳар томонлама ўйлаб қилган ишлари туфайли “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамбли ўзини бетакрор ижодий юзига эга бўлди. Ва бу “Айқулаш жулдузлари” ансамблини жуда кўп давлатларда, шаҳарларда кутилган меҳмон сифатида қабул қилинишига асос беради.

“Айқулаш жулдузлари” фольклор ансамбили ўзининг кўнгилларга хуш ёқувчи куй-қўшиқлари ва рақслари билан оммага манзур бўлиб келмоқда.

Ансамбл фаолияти йўлга қўйилган дастлабки пайтларданоқ у “Йигитлар ракси” бўлими билан иш бошлаган. Ҳозир эса эстрада қўшиқчилиги, анъанавий ижрочилик ва фольклор йўналишлари бўйича ҳам бўлимлар ишлаб турибди.

Йигитлар рақси бўлимида эса бир-биридан гўзал мазмунли рақсларни ижро этаётган 24 нафар қобилиятли йигитлар рақс тушади. Фахр билан такидлаш жоизки, юртимизда қандай байрам тантаналари ўтказилмасин, уларнинг жозибали рақслари бу тадбирга жило бериб туради.

“ Айқулаш, айқулаш,

Ойга қараб қулоч оч,” -

дея сакраб-сакраб, жўшқин кайфиятда ҳаракатланадиган йигитларга қандай қилиб жўр бўлганингни билмай қоласан киши. Ансамблнинг бу каби сай-ҳаракатлари ҳар қанча тахсинга лойиқ. Негаки “Айқулаш” рақслари Германия, Англия, Туркия, Озарбайжон ва кўп бошқа давлатларда қорақалпоқ миллий рақсларини жаҳон халқларига намоён этиб, нуфузли фестивалларда совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Бу ютуқлар раққос йигитлар учун ҳамир учидан патирдек гап. Уларни истиқболда бундан-да катта эгалланмаган марралар кутмоқда.

Иккинчи жаҳон уришидан сўнг Қорақалпоғистонга келиб миллий ўйинларимизни кўркамлаштириб, санъатни хаваскорликдан профессионалликка олиб борган, уни қоғозга тушуриб кетган Али Ардобус Ибрагимов мамлакатда филармония очилиши сабабли Лизахоним Петросова бош балетмейстер бўлиб келган бўлса, олтмишинчи йиллар ўрталарида маданият кунларида декадаларга тайёргарликка ёрдамга келиб кетиб турган Иван Матвеевич Проценко саҳналаштирган “Пламя Парижа” балетидан кўриниш “Поекавякка”, “Косари”, “Малдавянча сюита” Давлат мукофоти совриндори Мукаррама Турғунбоева, Тамарахонимлар саҳналаштирган “Фарғонача”, “Хоразмча”, “Бухароча” ўйинлари ўз олдига бир мактаб бўлиб қолди. Бу даврга келиб миллий саҳнамиздан “Балиқчилар”, “Кийиз басыу”, “Чўпонлар”, “Нозлы”, “Айқулаш”, “Илме султан” ўйинлари кўзга кўрина бошлаган эди. Бундан олдин айтиб ўтганимиздек, қорақалпоқ пластикаси меҳнат турмушидаги ҳаракатлардан

олинган бўлиб, кўшни халқлар ўйинларининг элементлари кўпроқ ўрин олгани билан қорақалпоқча профессионал кўркем рақс яратиш йўлидаги изланишлар кучли сезилар эди. Балет артистларининг сахналик умри ҳамма вақтда қисқа бўлган, ёш балетмейстер филармония бошлиқларининг рақс сахналаштириш бўйича буюртмасини олгандан сўнг ўрта махсус билим юртидаги ўзи билан таълим олаётган ёшлар билан рақс кўяр эди.

1968-йилнинг бошларида уни маданият министри Туреш Олланазаров чақирди. Шаҳардаги филармонияга бош балетмейстер бўлиб тайинланди. Ансамбл тузилганига 50 йил бўлган бўлса, шунгача ансамблда кўшиқчилар, созандалар алмашди. Иқтидорли композитор Ҳудойберган Турдиқуловдан, Владимир Микулик, Бахыт Турдимуратов, Владимир Горских, Орынбай Мамашиев, Султан Абдумаликов, Юлдаш Зарипов, Фарход Базарбековлар ансамбл тарихидан ўзига муносиб ўрин олди. Кўшиқчилар Байрам Матчанов, Атаман Ҳудойшукуров, Гулбарчин Саримбетова, Тамара Дўшумовалар даври бошланди.

1970-йилга келиб бош балетмейстер сифатида халққа танила бошлаган Полат Мадреймов кўшиқ ва рақс ансамблининг раққосалар гуриҳига етакчилик қила бошлайди. Устози Е.А.Петросова бошлаган қорақолпоқ халқ сахна рақсларидан доимий равишда дарс олиб боришни йўлга қўйди.

Қорақалпоқ рақсининг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти “Шухрат” кўкрак нишони совриндори балетмейстер Полат Мадреймовнинг “Беш бармоқ”, “Шабандаз”, “Олти қиз”, “Орол жигитлари”, “Жилуа”, “Қирмизи”, “Ёшлар сюитаси” фольклорлик туридаги “Пашшайи кўйлагим” ва “Жигитлар” рақслари машхур.

Қорақалпоқ рақсининг яна бир даври мустақиллик шарофати билан Республика халқларининг миллий урф-одатлари, дастурларини қайта тиклашда катта аҳамиятга эга. Унинг миллий орнаментларидаги нақшлар орқали ва табиий кўринишларидаги ҳаракатлар яъни ўзлигини танишдаги

миллийликлар йиғиндисидан тузилган. Юртимизда мустақилликка эришганимиздан буён нишонланиб келаётган улкан байрамларимиз Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамлари ва оммавий тадбирларни рақс санъатисиз тассавир ҳам қилиб бўлмайди. Чунки рақс шундай бир санъатки, у пайдо бўлган сахна жонланиб, ўзгача маъно, завқ бахш этади. Рақс бир майдон гўёки нафас олади. Ҳар бир рақснинг ўз жозибаси, сеҳри, таровати, характери, услуби бўлади. Ана шу нарсалар ҳар бир мактабни бир-биридан ажратиб туради. Ҳозирги кунда мактаблар чалкашиб қолган. Рақсимизнинг баъзида суръати бордек, аммо сийратини мафтункорлигини ҳис этмаймиз. Қанча асрлардан бери устоз санъаткорларимиздан мерос бўлиб келаётган ўзбек миллий рақс санъати ўзининг бетакрор гўзаллиги билан дунё миқёсида барча томошабинларга манзур бўлиб шуҳрат қозониб келмоқда. Рақс бу ҳар бир халқнинг улкан маданий маънавий бойлигидир.

Қорақалпоқ рақсларини яратишда фольклор ижод билан бир қаторда муаллифлик ижоди ҳам катта рол ўйнайди. Шоирлар ва ёзувчилар ёрдамида кўшиқ ва шеърлардан сюжетдар олинган ва улар асосида яратилган. Қорақалпоқ халқ санъатига негиз бўлиб, бой ижод хазинаси хизмат қилди. Бу эса ўз навбатида санъат оламида қорақалпоқ халқининг руҳиятини ўзида акс эттириб, тобора ривожланувчи қорақалпоқ рақси пайдо бўлишига асос бўлди. Қорақалпоқ рақси ўзининг сокин мазмуни билан ажралиб туради. Шунга ҳам эътиборимизни қаратишимиз лозим. Қорақалпоқ сахнавий рақсини томоша қилсангиз ундаги костюмларни хилма хил ранглар билан уйғунлигини ва ҳар бир костюм нақш беағи сўзлаётгандек бўлади гўё. Қорақалпоқ нақши ўзида дастлабки асосларини сақлаб қолган қимматли тарихий материал сифатида уни яратган халқнинг этник тарихи ва этногенезини ўрганишда жуда муҳим манба бўла олади. Қорақалпоқ санъатидаги безак-нақшларининг энг муҳим жихати шундаки, унда мураккаб чўл шароитида ярим кўчманчи бўлиб яшаган халқнинг дунёқараши акс этган. Кўчманчи бўлиб яшайдиган кишилар коинот ва ўзларини ўраб турган борлиқ ғоят чексиз эканини хаёлан тасаввур

килишади. Бой тарихга эга бўлган қорақалпоқ рақс санъати ўз жозибаси нафосати беткарор жилолари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Замонавий қорақалпоқ рақсининг ривожланишида бошқа рақс жамоалари якка ижрочилар қаторида “Айқулаш жулдузлари” миллий рақс ансамбли иштирокчиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Ансамбл аъзолари қадимий миллий рақсларга қайта умр бағишлаш билан бирга замонавий рақсларни ҳам маъромига етказиб ижро этмоқда. “Айқулаш жулдузлари” ансамблида истеъдодли ёш йигит-қизлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Қорақалпоғистон халқ артисти Полат Мадреймов ансамблни бадиий раҳбари бўлиб, ансамбл барпо этилгандан шу ансамблга жонини фидо қилган инсондир.

Ансамблнинг таниқли, машҳур бўлишининг сабаблари – репертуарини оригиналлиги, ўзига хослиги, ижро санъатини юқори профессионал даражаси, дастурлардаги рақс мавзуларининг миллийлиги, ранг-баранглиги ва эстетик аҳамияти кенглигидадур. “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамблининг Полат Мадреймов томонидан сахналаштирилган миллий рақслари томошабинларни, мутахассисларни кенг маънода мамнун этиб келмоқда. Кўп йиллар мобайнида у сахналаштирган “Лирик аёл рақси”, “Жилуа”, оммавий эркаклар рақси “Орол жигитлари” ўткир ҳазиломус “Ангалак”, шиддатли, темпераментли “Шабандоз”, ижро этиш ва чизгилари (шакллари) хашаматли гўзаллиги билан ажралиб турадиган “Оқ олтин” деб номланувчи рақс суитаси “Айқулаш жулдузлари” концерт дастурларидан тушмаяпти.

Қорақалпоқ миллий рақс санъатининг ривожланишига Полат Мадреймовнинг қўшган ҳиссаси катта. Ўз замонасининг етук санъаткори бўлган Полат Мадреймов 70тадан ортиқ рақсларни сахналаштирган. Қорақалпоғистонда рақс санъатини ривожлантиришда “Шабандозлар”, “Шағала”, “Жилўа”, “Алти қиз”, “Жигитлар”, “Қара жўрға”, “Лаззет”,

“Аўылда той” ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу рақслар Қорақалпоғистон миллий хореографиясининг мумтоз рақсларига айланди.

Полат Мадреймов Қорақалпоғистонда ҳозирда етакчи балетмейстердир. У сахналаштирган жаҳон ва қорақалпоқ эркак рақслари юқори техникавий лиги билан ажраб туради. Уни ижодида эркак рақслари катта ўрин эгаллайди. Қорақалпоқ аёллар рақсида эса вазминлик ўрин олган, чунки қорақалпоқ аёллар кийими ва уларни тақинчоқлари кўмушдан ишланган ва шунинг учун оғир бўлиб, рақс ҳаракатлари босиқ ва секин вазминда ижро этилиб, сакрашларсиз ва тезкор ҳаракатларсиз рақсга тушишни талаб қилади. Уларни ҳаракатчан, тез рақслари ҳақиқатдан ҳам Амударёнинг қирғоқларига тошиб чиқаётган сувдек тез ҳамда бир қарашда сокин ва тинч. Қорақалпоқлар мана неча йилдирки Наврўз, Мустақиллик байрамларида қатнашиб келишмоқда. Бундан мақсад Қорақалпоқ замонавий сахнавий рақсларини бутун дунёга танитиш, ахир бу байрамлар тўғридан тўғри дунё зангори экранларида кўрсатилади. Бундай чиқишлардан сўнг ҳамма томошабинлар олқишларига сазовор бўлиб келаётган бу халқ рақсларини дунёга танитмай иложи йўқ.

2003-йили Нукус шаҳрининг 70-йиллигига бағишланган концерт дастурини Юртбошимиз И.А.Каримов қўрганидан кейин бу концерт дастуридан таъсирланиб, “Айқулаш жулдузлари” ансамблининг юртга танилган иқтидорли профессионал жамоа эканлигини, уларни ҳар бир чиқишлари халқимизга роҳат бағишлашини айтиб, агар танлов ўтказиладиган бўлса “Айқулаш жулдузлари” йигитларига биринчилиқни берар эдим деб юқори баҳо берган эди.

Қорақалпоқ эркаклар рақсига назар ташлар эканмиз уларнинг шиддатли, кучли темп ва техникада ижро этиладиган рақслари бизга грузин, азарбайжон, доғистон, бошқир, қозоқ каби миллатларнинг эркак рақсларини кўз олдимизда гавдалантиргандек бўлади. Шундай бўлсада лекин ҳар бир миллат рақслари қайсидир маънода бир-биридан фарқ қилади. Масалан,

бошқирларни эркак рақси завқли эркин ижро этилади. Рақслар одатда умумхалқ байрамларида, эркаклар жанглари ўйинларида, от пойгаларида, найзадан отиш мусобақаларида ижро этилади. Айтиш жойизки, ҳар бир раққос ўзининг шахсий ижро этиш маҳорати билан ажралиб турибгина қолмай, у доим хиром айлаган рақсига янгилик қўшиб келган. Масалан “Байык” рақсини ижро этиш турлари талайгина- "Байытс" (эркаклар исми), “Урман Байытк” (Ўрмон Байиқи), "Ушан Байык", "Карт Байык", (Қари Байиқ). Ушбу рақсларни ёши каттароқ раққослар ижро этиб келган "Байытк" рақси турларини образлари орқали халқнинг тарихи, жанглари, турмуш тарзи ва афсоналари гавдаланган.

Озарбайджонда эса эркак рақслари ўзининг оёқ ҳаракатлари техникаси билан ажралиб туради. «Сэмэни», «Коса-коса», «Году-году» номли рақслар оммавий рақслар деб ҳисобланади.

Қозоғистон анъанавий эркак рақслари тариқибида оммавий халқ ўйинлари, от пойгалари билан боғлиқ ҳаракатлар кўзга ташланади. Масалан, “Киз-Жибек” номли операда раққос йигитлар от пойгаларида найзадан отиш машқларини рақс ҳаракатлари орқали ифодалядилар. Қозоғистон санъат арбоби режиссёр А.Исмаилова “Утис би ” номли операда от пойгаларида ижро этиладиган рус фольклор-этнографик ўзига хосликларига ва ҳаракатларга бой эркаклар рақсини ранг-баранг сурати ва сийратини кўрсатган эди. Шунингдек “Қусбеги Дабилпас” - лочинли овчи ва барабанчи номли рақс пастановкаси ҳам шулар жумласидандир. Қозоғистон эркак рақси жўшқин, жанговор характерга эга бўлиб, унда найза ва қамчи билан боғлиқ ҳаракатлар қўлланилади.

Ўрта асрларда Грузиянинг оммавий байрамларида нафақат жанговор ҳаракатлар, спорт ўйинлари, балки грузия халқининг севимли санъат турларидан бири бўлмиш рақс ҳам ижро этилган. Грузия эркак рақсларида қучли, жанговор қўл ҳаракатлари мавжуд. Айнан қўл ҳаракатлари орқали

грузин жангчилари ўз ғурурлари, кучларини ижро этилган рақслари орқали намоён этганлар. Лекин эслатиб утиш лозимки рақсдаги оёқ ҳаракатлари асосий ўринга эга. Улар пластикага бой ҳаракатлар бўлиб, тез ижро этилади. “Чодмила”, “Пехшилили”, “Цививкневи” каби оёқ ҳаракатлари грузин раққослари томонидан кўплаб рақсларда гавдалантирилади.

“Мхедрули” рақси фақат эркаклар томинидан ижро этилади. У “От жангчиси” маъносини англатади. Бу рақсни бир раққос ёки рақс гуруҳи ижросида куриш мумкин.

Хоразм халқ рақсларида ажойиб, кам учрайдиган сиймолар мавжуд. Улар таркибида – кўрқоқ қуёнлар, (“сал нарсага” ғужанак бўлиб чўчиб тушадиган), титроқ кумпишаклар (олд оёқчалари ҳамон кўтарилган саҳро мушуги), хавфли йиртқич, қамишзор мушуги (гўёки у уй мушугидай ҳаракатлар қилади), урушқоқ хўрозлар (хўроз ўйини жараёнида раққослар чўкка тушиб ўтирган ҳолда, бошларини чапга – ўнга силтаб хўрозларни ҳаракатларини тақлид қиладилар). Кеккайган тустовуқ (уйин пайтида “тустовуқ” бирданига учгандай бўлиб қўл - қанотлари билан биқинга шاپиллатиб уради), ўжар такалар (уйида икки тана тор йўлида тўкнашиб қолиб, бир – бирига йўл бермаслигини раққослар пешоналарни бир – бирига тираб, ер тепиниб, оёқлари билан ярим айлана ҳаракатлар қиладилар). Баъзида раққослар ёғ босган ва семириб кетган қўйларни у ёнбошга, бу ёнбошга ағанаб кетганини ифодалаганлар.

Хоразмда қадим-қадимдан кенг тарқалган рақслардан бири “Чорлоқ” бўлган. Томошабинлар даврасининг марказига чоғирма деб аталадиган бош кийими ташланади, кейин раққослардан бири ўртага сакраб чиқиб, гавдасини қоқ белидан олдинга қараб эгиб, тиззаларини ҳам сал буккан ҳолда, кўлларини орқага чўзиб, ўзига хос хоразмча юришни бошлайди: оёқларни баланд кўтариб қадам босади ва қўл панжаларини ёзганча титраб боради. Чорлоқнинг мақсади - балиқ ролидаги қалпоқни тумшуғи билан илиб олиш.

Шунинг учун ов ҳаракатлари орасида раққос бирдан қаддини ростлаб, қўлларини олдинга узатиб, билагидан чалиштириб, балиқнинг думига ўхшатади. Кейин яна чорлоққа айланади. Бирдан кутилмаганда раққос тиз чўкиб, энгашиб, қалпоқни тишлари билан тутиб олади, яъни шартли-мажозий Амударё сувларидан балиқ тутиб олгандек бўлади. Бу ўйин шўхчан, жонли, қувноқ бўлиб, бир раққоснинг ўрнига иккинчиси, кейин учинчиси уйинни давом эттириб кетаверади ва шундай қилиб анча узок, то “жонга тегмагунча” давом этади.

Энди назаримизни “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамбли репертуаридан ўрин эгаллаб ижро этилиб келган сахнавий қорақалпоқ рақсининг замонавий кўринишидаги қорақалпоқ рақсларига қаратсак.

Қорақалпоқ рақслари ижрочилари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) Эркаклар ансамблли рақслари: “Чавандоз”, “Балиқчилар”, “Орол йигитлари”.

2) Аёллар рақслари:

А) ансамблли - “Олти қиз”, “Беш парда”, “Қирқ қиз”, “Амударё”, “Кашма”, “Илмесултон”, “Оқ олтин”.

Б) яккахон - “Нозли”, “Қувониш”, “Қувноқ қиз”

3) Эркак ва аёллар биргаликда ижро этиладиган оммавий рақслари: “Айқулаш”, “Овулда тўй”.

Таҳлил қилинган барча қорақалпоқ рақсларини мазмун жиҳатдан икки гуруҳга бўлса бўлади:

1) сюжетли – “Қирқ қиз”, “Олти қиз”, “Айқулаш”, “Балиқчилар” “Овулда тўй”, “Нозли”, “Оқ олтин”, “Илмесултон” ва хоказо;

2) сюжетсиз - “Орол йигитлари”, “Тўзаллар”, “Биле кел”, “Қирмизи кизлар”, “Кел, йигитлар ўйнайлик”.

Кўп сюжетли рақслар бир неча қисмлардан иборат бўлиб, сюитали шакли эга бўлиб қолади. Улардан мумтоз “Айқулаш”, “Овулда тўй” рақслари ва “Айқулаш жулдузлари” ансамблининг ҳозирги репертуаридан жой олган “Халқлар дўстлиги”, “Байрам бугун” ва бошқа сюиталарни келтириш мумкин.

“Чўпонлар” рақси 1965 йилда Қорақолпоғистонда ижро этилган. Эслатиб ўтаман қорақалпоқ халқи азал-азалдан чорвачилик билан шуғуллангани сабабли “Чўпонлар” рақсида бу ўз аксини топган. Унда шу соҳа билан шуғулланаётган одамларнинг меҳнати ва характери рақс ҳаракатлари орқали яққол намоён бўлади. Рақсда татар рақслари ҳаракатлари қўлланилган. Лекин табиатига асосан қорақалпоқ турмуш тарзига монанд. Бу замонавий рақс бўлган. Чунки тарихда қорақалпоқлар молларини боқишда чўпотар бўлмаган. Фақат янги тарихдагина отарларни чўпонларга боқишган.

Рақсда еттита раққос йигитлар катнашади. Баъзи холлада бештагача бўлиши ҳам мумкин. Рақс 2та тактдан иборат бўлади. Биринчи қисмида пантамимали сахна кўриниши бўлиб, унда Чўпон най чалиб тўдани уйғотади. Шунда бирданига тўдага қашқир ташланади, Чўпон тўдани қутқариш мақсадида қашқирни ўлдиради. Иккинчи қисмда чўпонлар қашқирлардан тўдасини сақлаб қолгани туфайли хурсандчиликларини рақслари орқали ифодалайдилар.

Раққосларнинг либосларига келсак, оқ рангли тиззадан сал баландроқ кўлак кийилади. Сўнг қора рангли узунлиги кўйлақдан сал калтароқ нимча кийилади. Шим жигаррангда бўлади. Раққосда шунингдек ингичка қизил йўл-йўл тиззадан сал пастроқ халатни кийганини ҳам кузатиш мумкин. Бошга эса қалпоқ кийилади. Оёқларда эса юмшоқ этиклар бўлади. Рақснинг

барча иштирокчиларининг кўлларида таёк, шунингдек биринчи чўпонда таёкдан ташқари най ҳам бўлади.

Балиқчилик саноати қорақалпоқ саноатларидан биридир. У билан боғлиқ жамики жиҳатлари халқ учун маълумдир. Бу миллатда қадимдан **“Балиқчи кўш”** деб номланган пантомима аҳамиятлидир. Е.А.Петрасова биринчилардан бўлиб, Хўжайла туманида колхозчи А.Отажонов ижросида қадимги халқ **“Шағала”** номли пантамимасини кўрган. Беозор халқ пантамимаси ўзининг образга бойлиги, ҳаракатлари ўзига хос кўринишлари билан ижодкорни ўзига ром этади. Томоша мобайнида у ижрочининг кулгили рақс хатти-ҳаракатидан, ўта маҳоратли пластикасида ташқари қорақалпоқларга хос қатор жиҳатларини кузатди. Ана шу каби қатор фольклор рақсларни кузатар экан, балетмейстер парранда ва ҳайвонларнинг маҳорат билан пластикасини рақс ҳаракатларига кўчирилганига яна бир бор икрор бўлди.

Қатор томошалардан илҳомланган Е.А.Петросова **“Балиқчилар”** деб номланган катта сюжетли эркаклар рақсини саҳналаштиришга қарор қилди. Бунда у балиқчиларнинг машаққатли меҳнатини ифодолашни мақсад қилган, албатта миллий ҳаракатларни профессионал ҳаракатлар билан бойитди ва у янада халқнинг меҳрига сазовор бўлди.

Режадаги ғояни амалга ошириш йўлида Е.А.Петросова бир неча муддат Мўйноқ балиқчилари билан бирга яшагани бизга маълум. У ҳатто балиқчиларнинг тўрни отиши, сувдан тортиши, уларнинг дам олишларини ўта синчковлик билан кузатди ва Нукусга келиб барча кузатувини рақс саҳналаштиришда ишлатди.

Композитор А.Халимов **“Балиқчилар”**, **“Чинбой”**, **“Шағала”** куйларидан ушбу сахна асари учун мусика басталади. Режалар амалиёт сахнасининг юзида томошабин билан юзлашгунча жуда кўп вақт ўтди. Эндиликда **“Шағала”** кенг халқ оммасига тез-тез намоиш этиларкан, у

мутлоқ фольклор эмас, балки иллюстратив рақс ижоднинг яққол намоёндаси сифатида кўрсатилди. Ҳозирда у ижодий фантазиялар, кўп қиррали импровизациялар билан бойитилган ижрочиларнинг репертуаридан жой олган.

Рақснинг асосий элементи чағалакнинг сувдан балиқни тутиши билан рақсда гавдаланади. Лекин рақс композицияси тўлиқ намоёиш этиш учун бир ҳаракатнинг ўзи камлик қилади. Шунда ижодкор балиқчиларга мурожаат қилиб уларнинг меҳнат жараёнини, характерини ўрганиб чиқади. Сўнг уларнинг меҳнати осон эмаслигини, табиатнинг турли хил тўсқинликлари мавжудлигини ижодкор тушунади. Менимча бундай ҳолат уларда ҳазилкашлик хислатини уйғотади. Рақсда Оролнинг хурсанд меҳнаткаш “Балиқчилар”нинг ҳаракатлари гавдаланади. Рақс уч қисмдан иборат бўлиб улар “Балиқчилар қўшиғи”, “Чимбай-намасы”, “Шағала-намасы” кабилардир.

Биринчи бўлимда балиқчилар тўр тўкиб, уни дарёга ташлайдилар. Қадамлари ўзига хослиги билан рақсни безайди. Энди улар бир қатор ўтириб, қайиқ эшкак эшадилар, бирдан сакраб турадилар, чағалайларга айланиб, бўйинларини чўзиб, балиққа ташланадилар. Балиқлар эса олдинга кесиштириб ташланган қўллар питирлаши балиқ думларини эслатади. Раққослар ярим букилган оёқларида, бармоқлари учида туриб “қанотларини” орқага ташлаган ҳолда “ўлжалари”ни тутиб олишга ҳаракат қиладилар. Лекин балиқчилар чағалайларни ҳайдаб, тўрни торта бошлайдилар. Улар оғир ўлжани ўзлари билан олиб кетадилар.

Раққосларни либосларига келсак бунда оқ рангли кўйлак четлари қизил тасма билан тикилган бўлади. Қора сатин матосидан тикилган камзўл ва тўқ рангли шим кийилади. Бошга эса сабзи рангли қушоқ кийилади. Этиклар эса қора рангда бўлади. Рақсни ўн бештага яқин раққос йигитлар ижро этади.

“Балиқчилар” рақси қуйидаги ҳаракатларга асосланган ҳолда саҳналаштирилди.

“Ау тоңу” - арқон ўраш. Бу ҳаракатлар балиқчиларнинг улкан тўрларни енгил ўраш ишларини акс эттиради. Ҳаракаттаги ритм ва аниқ жестлар асрлар давомида йиғилган кўникмаларни табиий рақс унсурлари орқали ифодаланган. Бир оёғини тиззаси остига олиб ҳар бир раққос қўлнинг айлани ҳаракати билан тўрни отиб, сўнг йиғиб олади. Бу ҳолнинг такрор бажарилиши аниқ тасвирни ифодалайди.

“Тер суритиу” - пешона терини артмоқ.

“Есек есиу” - эшкак эшиш ҳаракати.

“Кумша журиу” - кум оралаб юриш. Бу оёғ ҳаракати билан балетмейстер қумда нечоғли юриш мушқил эканлигини тасвирлаган ва бу ҳаракатлар қорақалпоқ характерли рақсларини саҳродаги асосий оёқ ҳаракатларидан бири бўлиб, қай даражада мушқул эканини кўриниб қолди. Балетмейстер сай-ҳаракати билан буларнинг бари рақс ҳаракатларига айланди. Галдаги рақс ҳаракатлари хореографиянинг бошқа халқ услубида ҳам учрайди. Лекин ўзига хос штрих ва манералар қорақалпоқ миллатига хос ифодаланган. Айримларига тўхталиб ўтамиз.

“Аудемлап адымлау” - оёқларнинг бироз эгилган ҳолатида айлана бўйлаб гавдани хорғин кўриниши.

“Аксак сағала” - ҳаракатнинг бир оёқдан иккинчи оёқга енгил сакраш орқали оқсоқ чағала ҳаракатини ифодаланади.

“Аумаспалы айланыу” - танаффус орқали енгил айланиб, оёқнинг уфори ҳаракати билан оёқни орқага ўтказиб тўртинчи ҳолатда тик қотиш.

“Табанны сыртқа сылқип журиу” - учламчи икки ҳисобига силтаб юриш.

“Паруаз” - юқорига тиззани буккан холида сакраш.

“Аумаспалы хеккелеу” - оёқдан оёқга хаккалаб сакраб ўтиш.

“Аумаспалы шалма ашымлар” - оёқнинг хоч холида чуқур ўтириб, тактнинг биринчи холига уфори ҳаракат.

“Пытыра шалыу” - оёқнинг учига таяниб, бутун гавдани титратиш.

Рақсга басталанган куй уч қисмдан иборат. Биринчи қисми сокин ўлчовга мосланган бўлиб, унда балиқчиларнинг тўр ўрашига мосланган.

Иккинчи қисмида янги ритмга кўчиш орқали раққослар чаққон ҳаракат билан тўрни ташлаб, сўнг катта ўлжани йиғиб олишади.

Учинчи қисмида эса улар дам олаётгани ифодаланади. Ҳаракатлар чағала кушга тақлиднамо рақсларда кўрсатилади.

Бутун Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам шу каби ижтимоий рақс турлари мавжуд эди. “Қайроқ ўйин”, “Тоғара ўйин” ва “Занг ўйин” шулар жумласидан.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қорақалпоқларда ана шундай катор миллий рақс ўйинлари халқ ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Тўғри, ҳаммаси ҳам яшашда давом этмаяпти, бироқ борлари хали ҳам элнинг суюкли рақсига айланиб улгирган.

Ҳозирда ҳаёт бўлган кекса авлод вакиллари ҳам А.А.Ибрагимовнинг мувоффақиятсизликка учраган “Айқулаш” рақс композициясини камдан кам аниқликда эслайдилар.

Е.А.Петросова “Айқулаш” рақс композициясини янгича талқин қилиб, асосий урғуни йигит ва қизларнинг ўзаро муносабитига, уларнинг завқига эътибор қаратди. Одатда бу рақс баҳорда Амударё бўйида бир неча овуллар билан бирга ўтказилган. Турли айтишув, аския ва тонга қадар хурсандчилик билан давом этган.

“Айқулаш”- оммавий қорақолпоқ рақси 1959 йилда яратилган ва қорақалпоқ ўйини асосида саҳналаштирилган. “Айқулаш” рақси йигит ва қизларнинг ой ёруғида сайирини акс этиб, биринчи мухаббатининг туғулиши ҳиссиётларини акс этади. Шунинг учун йигитлар қизларга мулозамат кўрсатиб, қўлларини чатиштирган ҳолда халинчак ясайдилар ва уларни учирадилар. Қизлар ҳаракати эса камтарона аммо шўхдир. Қизлар қадамлари ҳам енгил бўлиб, гўёки, қанот ила учгандай. “Айқулаш” инсон табияти ва ҳиссиётларини акс эттирувчи рақсдир.

Рақсда кўшни ва овуларнинг ўғил-қизлари орасида ҳазил кўшиқ танловлари ўтказилади. Ўйинда ким ютқизса кейинги ўйинда ўз овулининг бекларига айланадилар.

“Айқулаш” қорақалпоқ рақсида ярим тунни ўйин, кўшиқ, хороводлар билан кутиб олиш қадимий анъанаси ётади. Рақснинг композицияси икки контраст қисмлардан иборат. Биринчи қисм бу аёллар рақси. Унда қизлар кенг далаларда ўз орзуларини куйлаб рақсга тушадилар. Нафис рақс расмларда, тўғри чизиклар ва очиқ хоровод шаклли тузилишлар қўлланилган. Равон ҳаракатланган оёқлар қадимий (“Тенселмей диз бугиеулер”) кўтарилаётган ва тушаётган қўл ҳаракатлари билан биргаликда келади. Ҳарактерли чайқалиётган ҳаракатлар (“Кет-эй”, “Қара тал”) ўраб турган табиат манзарасини шартли равишда тасвирлайди. Кўп тол наваларини равон силкитишлари қизлар рақси секин ривожланади ва ўз шаклий комбинацияларини ўзгартиради. Композицион рақснинг маъно мавзуилиги, қўл ҳолатлар ҳаракатларини минимализми, оёқларни майда қадамлари равон ва вазминлигини аёллар қорақалпоқ рақсидаги ифбатли зохидлилигини намойиш этади.

Гўзал куй ўзининг кенглиги билан чуқур нафаслилиги билан даштни яланглилигини ифода этади. Дашт халқлар учун лирик кўшиқларининг кенг куйчанлиги хосдир. Ривожланган диапазон, куйнинг тузилиши “Айқулаш” кўшиғида ёрқин ифодаланган мусиқий мавзунини ёритиб, рақснинг бадиий образини яратишга ундайди. Нафис халқ куйи ва ички динамикага эга бўлган рақс биргаликда қизни соф ва романтик севги ғоясини акс эттириб беради.

Рақснинг иккинчи қисми ўз семантикасини ўзгартиради. Ҳаракат умум-шеърый образликдан жанрли-характерли сахнага ўтади. Ҳазил рақс куйга беркинган ва қизларни пойлаган йигитлар чиқади. Улар қизларни кўнглини овлайдилар, гўзал сўзлар айтадилар ва ҳалинчакда учирадилар. Рақс анча динамикалашади, дам жуфтларга бўлинади, дам хоровод давра қурадилар.

Композициянинг финалида биз “Салма”-“Ручеек” рақс шаклини кўрамиз у кўп халқларни ёшлар рақсини универсал ҳаракатларидан ҳисобланади.

“Айқулаш” хороводли рақс ижрочиларининг либослари ёрқин, рангли, ёшлар қувончили қувватини намоён этиб беради. Қизлар енгил матодан тикилган тўқ сариқ рангли кўйлак киядилар. Енги, этаги, ёқаси “айдынли” нақш билан тўқилади. Ҳаворанг баҳмал, виллур матолардан бўлиб, қўл, енг ва лозимда, кўйлакнинг нақши берилади. Қизларни баҳмалдан қундуз териси кўшилган бош кейим, оёқда кичик пошналар қора рангли этик. Қўлда қизлар чак-чак ушлайдилар, кўкракда ҳайкил безаги. Йигитлар кўйлагининг қўл, кўкрак, ва бўйин атрофи оқ ипак нақш билан тикилган ва кенг безак ўрнашган енгсиз ҳаворанг баҳмал камзулда бўлади. Уларда кенг ҳаворанг иштон бўлиб қора этикка тикилган. Бошда эса қорақўл терисидан тикилган бош кейим.

Қўлларни кўп ҳолатлари, бир неча шакллар ва қорақалпоқ рақслари чизиқлари амалий безак санъатининг нақшларидан олинган. Мисол тариқасида қўлларни ҳолатлари ҳизмат қилиши мумкин: “кошкар муйиз”-“қўй шоҳи”, “салма”-“ручеек”, “айланма”-“завиток”, “куу мойин”-“оқ қуш бўйни”, “шағала қанат”-“чағалай қанотлари”.

“Айқулаш” рақси ўз шаклий тузилмалар, чизиқ ва қўл ҳолатлар бўйича нақш материаллари бўйича тузилган.

“Айқулаш” Қорақалпоғистоннинг халқ рақси нафақат ансамбл репертуарини етакчи рақси, балки бутун рақс санъатини ёрқин намуналаридан биридир. Унда Қорақалпоғистоннинг рақс маданиятини асосий характерли хусусиятлар умумлаштирилади.

Е. А. Петросованинг ижодида қадимий рақсларнинг янгича талқинига урғу берилган. “Ёшлар сайли”, “Овулдаги тўй”, “Меҳнат қувончи” фикримиз

исботи бўлиб, кенг тарқалган “Ороллик йигитлар”, яъни шўх йигитлар ракси, “Ангалак” эркакларнинг ҳазил ракси, “Олти қиз” шулар жумласидандир.

Бундан ташқари қорақалпоқ халқининг маросим рақс санъати борки уларнинг ҳар бири ўз моҳиятига эгадир. Жумладан, тўй маросим ракси “Илмэ Султон”, меҳнат мавзуси билан боғлиқ яна “Қиз басыу”, “Чабани”, “Балиқшилар”, лирик рақс “Амударя”, ҳаракат учун қурилган “Айқулаш”, “Сондай қилдим”, миллат қахрамонлигини ифодаловчи “Қирқ қиз” ва миллатнинг бугунидан сўзловчи “Овулдаги тўй” каби рақслар қаторида образли якка рақслар “Нозли”, “Қувониш”, “Қувноқ қиз” каби мисолларни айтиш мумкин.

“Нозли” яккахон аёллар ракси бўлиб, иллюстратив ҳаракатлардан холи сюжетсиз рақсдир. У нозли карашмалар, кенг ёйилган қўл ҳаракатлари, кучли техник айланишлари орқали инсоннинг нозик табиатини ёритиб беради. Рақсдаги ҳар бир ҳаракатлар ва турли хил айланишлар қорақалпоқ ракси услубидан ташқарига чиқмаган ҳолда, шу доирага мослаб танланган ва сахналаштирилган. “Нозли” ракси орқали балетмейстер инсоннинг самимий беғубор қувончини гўзал, нафис ҳаракатлар билан очиб беришда ҳаракат қилган.

“Кашма” раксига эътиборни қаратсак, раққоса қизлар тепадан пастга йўналган тебранувчи ҳаракатлар билан этагида юнгни келтирадилар. Майин ҳаракатлар билан юнгни полга ташлаб, бир тиззага ўтириб, юнгни тита бошлайдилар. Сўнгра қўлларини орқага олиб, танани ўнг ва чап томонга ўгириб, шўх сакрай бошлайдилар. Бу билан юнгни юмшатадилар. Сўнгра яна ўтириб, юнгни бир текис жойлаштирадилар. Сўнгра бир тиззада туриб, юнгни тепага айлантириш учун бир бўксада айланишга ҳаракат қиладилар. Толалар тайёр бўлди. Қизлар қўлларини орқага олиб, ғурур билан майда кадам ташлайдилар ва мураккаб кашта гули бўйлаб, ҳаракат қиладилар. Бу билан кашма тиккан бўладилар. Мана кашма ҳам тайёр бўлди. Уни булоқнинг шаффоф сувлари билан ювадилар. Яна бир бор қўллари билан

уриб, кашмани ўрайдилар. Сўнг тайёр кашмани кўз-кўз қилиб, қўлларини қоқиб, мамнуният билан кетадилар. Ҳунар ҳаракатларини қайтарса-да, шўх ва лирик рақс чиққан.

“Амударё” қорақалпоқ рақси 1956 йилда халқ мусиқасига сахналаштирилган. Бу рақс Амударёга бағишланган. Унда мовий ранг шойилар кийган қизлар тўлқинларни акс этганлар. Улар кенг қаторга сафланиб тебранадилар ва майин тўлқинларни ифодалайдилар. Улар бир йиғилиб, яримой шаклида ёйилиб, қояга урилган тўлқиннинг сув томчиларини эслатадилар. Бирдан қўллари билан эрка ва қудратли Амударёнинг шўх тўлқинларини ифодалайдилар. Тўлқинлар бўронга тушиб қолган чағалайни тутиб олмоқчи бўладилар. Лекин мард қушга қойил қолган тўлқинлар қушни қўйиб юборадилар. Шамол ҳам тинади. Рақсда ҳаракат асосий бўлса-да, лекин рақс маъноси лирик ва юмшоқроқдир. Бу балетмейстерга вальс ритмини қўллашга имкон беради. Бу ритм тебранаётган тўлқинларни ифодалашга ёрдам берди. Рақсда миллий рақс ҳаракатлари билан бирга классик балет ҳаракатлари ҳам уйғунлашган.

“Олти қиз” рақсини ўз номи билан ансамблнинг олти қизи ижросида томоша қиламиз. Бу рақс билан балетмейстер қорақалпоқ халқи қизларининг бири-биридан гўзал олти қизларининг ибो-хаёси, нозик иффати, енгил ва гўзал ҳаракатлар билан кўрсатган ҳолда томошабинга тақдим этади. Рақс бошида олти қиз бир-бирининг белини қучганча сахнанинг чап томонидан чиқадиладар. Ҳаракатлар мусиқа билан ҳамнафасликда сокин ва енгил елкаларини енгил учирганча бошларини ўнгдан чапга қаратганча бир маромда чиқадиладар. Сўнггра чапдан биринчи бўлиб турган қиздан бошлаб бир айланганча мисли томошабинга ўзини таништираётгандек бир айланиб қўлларини олтинчи ҳолатда енгил, майин ҳаракатлантиради, шу маромда галма-галдан ҳар бир қиз шу ҳаракатни давом эттиради. Ҳамма қиз ўз ҳаракатини бажаргандан сўнг тазим қилганча диагонал бўйлаб биринчи қиз ортидан олдинга битта битта чиқиб кела бошлайдилар. Рақс шу зайилда

давом етиб хар бир қиз маҳоратини ўз рақслари орқали кўрсатиб беради.
Рақс сўнгида яна қизлар бирлашиб парда ортига чиқиб кетадилар.

Хулоса

Қорақалпоқ рақсларини таҳлил натижаларини умумлаштириб бир неча хулосаларга келиш мумкин.

Қорақалпоқ миллий рақсини шаклланишининг биринчи босқичи қўшни қадимги бой анъаналарга эга бўлган ўзбек рақс санъатининг ташқи тарафлари олинган ҳолда бажарилган. Аста секин ўзга маиший ҳарактерни намоён этувчи санъат бу йўл мустақил мактаб даражасигача шаклланди.

Икки қўшни халқларни ҳаётий дунё қараши, ўзгача маиший турмуш тарзи, диний ва гендер муносабатлари бу иккала халқ санъатларини шакллантиради. Ўзга ижтимоий ва бадиий тузуми қорақалпоқ халқи ёрқин ажралиб турувчи маданий хусусиятларга эгадир. Мусиқий санъатда у бизгача етиб келган “жирау” эпик санъатида акс эттирилган.

Оврўпа тингловчилари учун дostonлар – бу мусиқанинг ноёб шакли, аммо шарқ ихлосмандлари учун узоқ ўтмишдан жонланиб ижро этилаётган тарихдир. Мусиқий баён этиш тарзининг медитативлиги чолғу лавҳаларни беркитилган кучини намоёйиши этади. Домбра, дутор ва чангқобиз чолғу асбобларини характеристикалари қарақалпоқ миллий мусиқий манзарасини тасвирлайди. Қорақалпоқ мусиқасига домбранинг махсус товуш чиқаришидаги репетиционлик ҳосдир. Бу усул кенгликни, ҳажмликни, от чопиш тезлигини акс эттиради. Қорақалпоқ рақс санъатининг бадиий образларининг ўзгалиги рақсдаги нафис унсурларини, рақсни композициясини, домбра ижросини ифодаладиган ташқи тасвирий ҳаракатлар орқали намоён бўлади.

Қорақалпоқларни амалий-безак санъати ҳозирги кунда узоқ вақтдан бери кутиб турган уйғониш нафасига эга бўлди. Араб халифалигини ҳукумронлиги даврида ҳаётнинг кўчманчи турмуш тарзи қорақалпоқларни руҳий онгини кучли ўзгартиришга йўл қўймади.

Қорақалпоқ санъатида манзараларни оригиналлиги, рангларни ёрқин қўшилишлари исломгача бўлган даврда бадиий дунёқарашни акс эттиради.

Халқ амалий-безак ижодиётининг кенг учрайдиган шакллардан бири доира. Қорақалпоқлар учун бу қуёш, жамоа бирлашиш ва албатта ўтов рамзидир. Қаттиқ совуқларда ва жазирама иссиқларда енгил ва тез қуриладиган ўтов чоравадорларни сақлаб юрган. Ўтовни тузилишида халқни космогоник дунёқараш акс эттирилади. Ўтов юқорисидаги очик жой дунё яратилишига чиқиш рамзини яратади, томдаги нақиш чизиқлар. Қуёш нурларини такрорлайди. Қорақалпоқ рақсининг композицион расмларида бу рамзлар қуёш, ўтов, ранг баранг хороводли шаклларда кўрсатилган.

Хар йилги баҳорги Наврўз байрамларида “Айқулаш жулдузлари” ансамбли доим томошавий шўх композицияларини намойиш этади. 2012 йилдаги хореографик миниатюрада спорт акробатик унсурлар қўлланилган. Қадирдон уй рамзий аҳамиятга эга ўтов ибораси шартли равишда кўп вариантли мураккаб композициялар ишлатилган. Янги ўтли жойларни “жиулау” излашда қорақалпоқлар учун от асосий кўчиш вазифасини бажарган. Байрамлар асосан от ўйинлари билан тузилган эди – “қиз олиб қочиш”, “улов ўйини” ва бошқалар. Адабиёт ва халқ қўшиқчилиги ижодида сеvimли от содиқ дўст ва қутқарувчи образи ҳам учрайди.

Бу мавзу қорақалпоқлар рақс санъатида кенг акс эттирилади. Баъзи хореографик композицияларда йигитларни от чоптириши тасвирий, томошавий унсурни яратиш, ички фаоллик, динамикасини оширади. Бошқа рақс шакллар шеърий рамз ва бадиий образдаги инсон хис туйғуларга тўла ҳаётини ифода этувчи хореографик тафаккурни юқори даражаси кўрсатиб беради. Образли умулаштирилган қайта ишланган ва ритмик нафис шаклларда тасвирий тана ҳаракатларда яширинган. От чопиш образи кўп маъноли аҳамиятга эга бўлиб, бу йигитлар маҳоратини намойишини, тезликдан роҳатланишини булоқ каби отилиб турувчи ҳаётни кўрсатиб

беради. Аммо қорақалпоқлар санъати кенг маъноли манзараларни ҳам акс эттиради: она Ватан, кенг даштлар ва халқни озодсевар руҳи образларини характерли нафис ҳаракатлар орқали намоиш этиб беради.

Қорақалпоқ халқ рақси хазинаси рақснинг тарихий турлари ва жанрларининг оддийдан мумтоз рақсгача кенг камровлилиги билан кишини хайратга солади. Рақснинг профессионал рақслар ва созандалар махсули булган олий шакллари профессионал рақслар репертуарида, шунингдек профессионал рақсларга тақлид қилувчи рақс хаваскорлари доирасида сақланди ва ривожланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. **И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асарга интилмоқда, П-боб,**Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 йил.
2. **И. А. Каримов. Юсак маънавият енгилмас куч,** Тошкент “Маънавият” нашриёти, 2008.
3. **И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ,** “Ўзбекистон овози” газетаси, 1998 йил 22 август.
4. **И. А. Каримов. Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисидаги Фармони.** 1997 йил 8 январь, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1997 йил, 1-сон, 26-28 бетлар.

Махсус адабиётлар:

5. **Авдеева Л. Балет Узбекистана, Т., 1973.**
6. **Авдеева Л. Мукаррама Туғунбоевнинг рақси, Т., 1989.**
7. **Авдеева Л. Мухитдин Кари-Якубов Т., 1984.**
8. **Авдеева Л. Тамарахоним, Т., 1973.**
9. **Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана, Т., 1963.**
10. **Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001.**
11. **Азимова О. Н. Звуковой мир каракалпаков. Т., 2008.**
12. **Алламуратов А. Каракалпакская народная вышивка.**
13. **Ахмедов М. Маргарита Оқилова Т., 1985.**
14. **Д. Фахретдинова. Ювелирное искусства Узбекистана. Т.,1988.**
15. **Е.А.Петросова. Каракалпакский танец, Ташкент, 1976.**
16. **Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. М.-Л., 1950.**
17. **Жданко Т.Д. Народное орнаментальное искусства каракалпаков. Материаллы и исследования по этнографии каракалпаков. Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. 3. М., 1958.**

18. Каримова Р. Танцы ансамбля “Бахор”, Т., 1979.
19. Каримова Р. Бухоро ракси, Т., 1977.
20. Каримова Р. Исохор Окиловнинг постановкаларида ўзбек рақслари, Т., 1987.
21. Каримова Р. Равия Отожонов рақслари, Т., 1983.
22. Каримова Р. Урок узбекского танца, Т., 1987.
23. Каримова Р. Фарғона ракси, Т., 1973.
24. Каримова Р. Хоразм ракси, Т., 1975.
25. Литвинова Т.Г. Формирования Каракалпакского народно-сценического танца, Диссертация на соискание кандидата искусствоведения, Т., 1987
26. Лобачаева Н. П. К истории среднеазиатского костюма: каракалпакский кимешек. Итоги полевых исследований. М., 2000
27. Сайфуллаева Д., Казакбаева З. Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс сахналаштириш сирлари, Т., 2006.
28. Тангуриева С. Галия Измайлова Т., 2006.
29. Ткаченко Т. Народный танец. М., 1954.
30. Усмонова Ф. Бахор маликаси, Т., 1974.
31. Ўзбекистон бадий Академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институти . Санъат тарихи, Т., 2001 йил.
32. Ўзбекистон Бадий Академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институти. Ўзбекистон санъати, Т., 2001.
33. Ш.Уснатдинов. Полат Мадреймов биринши каракалпак балетмейстери, “Қарақалпоғистон”, Нукус, 2011.


Журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар:

1. Президент Ислом Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи. // “Халқ сўзи” 2001 йил 6 ноябр №226 (2788) 2 бет


2. **А. Жўраев Йўқолаётган жозиб**а // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1992 йил. 14 февраль. №7.
3. **Аҳмаджон Раҳимов. Офатижон “Лазги”**. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1994 йил 22 апрел, №13-14 (3262).
4. **Галина Тюгай. Танец – душа народа**. // “Саният” №1-2, 2011 1-феврал, 8 бет.
5. **Гулсум Ҳамроева. Ўзимизнинг Тамарахоним**. // “Дилбарим” газетаси, 2009 йил 2 апрель № 26
6. **Гулчеҳра Умарова. Рақс дил изҳори**. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2001 йил. 10 август. №33.
7. **Д. Сайфуллаева. Рақс фақат ўйин эмас**. // “Театр” журнали 2007 йил 6-сон.
8. **Есбергенов Х.** Вопросы этнической истории и традиционный культуры каракалпаков. // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989.
9. **Зафара Алиева. Қорақалпоқ аёллари тақинчоқлари тарихидан**. // “Санъат тарихи”.
10. **Қорақалпоқ безак нақшларидаги сирли хатлар**. // “Санъат тарихи”, №2 2008 йил.
11. **Лобачева Н. П.** Каракалпакские головные накладки. // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана М., 2000.
12. **Муҳаммаджон Қозокбоев.** Эгизак раққослар, // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 2011 йил 25март, №13 (4100) 5 бет.
13. **Розия Каримова. Миллий рақс муаммолари**. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1996 йил 16 август №33 (3370) 6-бет
14. **Тюгай Т.** Танец-душа народа // Саният, №1-2, Нукус, 2011, 8-9 бет.
15. **Шарап Уснатдинов.** Шадлық инам етиўши киши. // “Қарақалпақстан жаслары”, 2012 йил 1 январ.

ИЛОВА


Қўл ҳаракатларининг айрим шакллар ва рақс чизиклари кашта орнаментларидан олинган кўриниши




1-расм. “Салма” ҳолати.



2-расм. “Айланма” ҳолати.



3-расм. “Куу мойин” ҳолати.



4-расм . “Қошқар муйиз” ҳолати.



“Айқулаш” ашула ва рақс ансамбли



“Орол йигитлари” рақси

“Айкулаш” рақсидан кўринишлар:





Полат Мадреймов иш жараёнида



Полат Мадреймов ва “Айқулаш жұлдузлари”
ашула ва рақс ансамбли раққоса қизлари




“Айқулаш жұлдузлари” ашула ва рақс ансамбли раққосалари



Қорақалпоқ қызлар либоси



Қорақалпоқ келинчак либоси



П.Мадреймов қорақалпоқ миллий беш кийимини кийиб
турган раққосалар билан




“Олти қиз” рақсига тикилган либослар



Бугунги “Айқулаш жулдузлари” ашула ва рақс ансамбли



“Айқулаш” йигитлари



“Уйғурча рақс”. Антонина ва Полат Мадреймовлар



“Қорақалпоқ” рақси дарсида